



2-бет

4-5-бетлар

6-бет

8-бет

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 14 (10.067)

2004 ЙИЛ 21 ЯНВАРЬ

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19-20 январь кунлари расмий ташриф билан Кувайт давлатида бўлди.



Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига анча бўлган. Лекин Ўзбекистон ва Кувайт амалий ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келди. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида, халқаро сиёсий жараёнларга баҳо бериш ва ёндашувларда томонларнинг қарашлари уйғун. Аммо, Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодий соҳада шу чоққача имкониятлар тўла ишга солинмади. Шу боис икки мамлакат салоҳиятини ўзаро муносабатлар ривожига томон йўналтириш, амалий ҳамкорлик учун қўлай шароит яратиш ташрифдан кўзланган асосий мақсад сифатида эътироф этилди.

Ал-Кувайтда Президент Ислом Каримов Кувайт давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан учрашди. Музокарада икки томонлама алоқаларнинг истиқболи муҳокама этилди. Мазкур ташриф Ўзбекистон ва Кувайтда ҳамкорликни юқори погоналарга кўтариш учун катта иштиёқ ва интилиш мавжуд эканлигини тасдиқлашни таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайт Бош вазири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан аввал яккама-якка, сўнг расмий делегациялар иштирокида музокаралар ўтказди. Учрашувларда ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилан олдинди. Хукуматлараро қўшма комиссия тузиш ва ёз ойларидан Тошкентда унинг илк мажлисини ўтказишга келишилди. Мезбонлар Ўзбекистон ал-Кувайтда элчихона очилиши мақсада мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистон транспорт ва коммуникация, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, сув таъминоти каби соҳаларда Кувайт билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Ушбу мамлакат улкан сармоя қилиши салоҳиятга эга, энергия ва сувдан тежамли фойдаланишга катта таъриба орттирган. Ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйишдан ҳам икки томон бирдек манфаатдор.

Трансафрон йўли қурилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўл минтақада вазиетни барқарорлаштириш баробарида, кўпги-

на давлатларни, жумладан, Ўзбекистон ва Кувайтни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлати ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва химоялаш, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, ҳаво алоқаси борасидаги, шунингдек, террорчилик, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Дастанлабки тўрт битим давлат ва ҳукуматлар даражасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга кенг йўл очди. Террорчилик, контрабанда ва уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлик ўзаро ишончони мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан тузилган меморандумда эса, Ўзбекистондаги 9 лойиҳани молиялаштириш учун ушбу муассаса томонидан 215 миллион АҚШ доллар миқдоридан маблағ ажратилиши кўзда тутилди. Бу лойиҳалар сув ва энергия таъминоти, ирригация, қурилиш соҳаларига йўналтирилган.

Мазкур жамғарма шу вақтгача Ўзбекистондаги икки лойиҳада жами 38,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағ билан қатнашаётган эди. Янги келишув ташрифнинг самарали кенганига яна бир далилдир.

Ушбу жамғарма Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси каби йирик халқаро молиявий тузилмалар билан яқин алоқа ўрнатган. Унинг Ўзбекистонга эътибори кучайгани мамлакатимизга хориз сармояси жалб қилишнинг имкониятларини янада оширади. Президент Ислом Каримов жамғарма

Бош директори Бадр Мишарий ал-Хумайзий билан учрашиб, шу масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ташриф асносида Президентимиз ушбу мамлакатнинг Миллий мажлиси раиси Жосим ал-Харрофий, Савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Саъд Али ан-Нохиз билан ҳам учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайтнинг Ҳарбий асирлар ва бедарак йўқолганлар масалалари бўйича миллий кўмитаси фаолияти билан танишди. Нохаддан Ироқ қамоқхоналарида сақланган, Садам Хусайн армияси тажовузларидан жабр кўрган кувайтликлар хотирасига атаб таъсис этилган ушбу ташкилотнинг фахрий меҳмонлар китобига ҳамдардик сўзларини ёзиб қолдирди.

Яқинда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби араб тилида нашр этилган эди. Ташриф арасида ал-Кувайтда бу китобнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу воқеа Кувайтда Ўзбекистондаги ўзгаришларга қизиқиш кучли эканлигини далилатдир.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Кувайт давлатига сафари якунланди. Кувайт Бош вазири бу ташриф хайрли ибтидо эканлигини таъкидлаб, келгусида ҳамкорлик муваффақияти билан ривожланишига умид билдирди. Ислом Каримов бу истакни маъқуллади.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги илк учрашув юқори баҳо олган экан, муносабатларимиз истиқболга ишонч билан қараш мумкин. Бунинг учун барча асослар бор.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус муҳбири.

Тошкент - Ал-Кувайт - Тошкент.
СУРАТДА: И.Каримовнинг Кувайт давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан учрашуви.
Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат.

XXI аср саҳоси

Барча навалардан олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида аграр соҳа раҳбарларининг семинар-мунозараси давом этмоқда.
- Тошкентда тиббиёт ходимларининг «Умумрачлик амалиётининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари» мавзуда илмий-амалий анжумани ўтказилди.
- Кеча Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган Андижон давлат университети профессори, таникли олим Рустамбек Шамсуддиновнинг «Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.
- «Гурлантестиль» акционерлик жамияти томонидан ўтган йили асосан Бельгия, Россия, Туркия истеъмолчиларига 560 минг долларлик махсулотлар етказиб берилди. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳар тўрт махсулотдан биттаси экспортга жўнатилганини билдиради.
- «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти негизидаги қўшма корхоналар сони яна иккитага кўпайди. Яъни «ТТЗ-Металл» ва «Технопластик» янги қўшма корхоналарида тракторлар учун резина ва пластикдан эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилимоқда.

Жаҳонда

- Исроил ва Фаластин ўртасида қурилаётган Хавфсизлик девори атрофида кецаётган баҳс-мунозаралар тез орада Гаага халқаро судида кўрилади.
- Шу йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтадиган АҚШ Президентлигига Айова штатида демократик партия фаоллари ўтказган мажлис билан бошланди.
- Шимолий ва Жанубий Американинг деярли барча мамлакатларининг савдо ишлари бўйича вазирлари эркин савдо бўйича ягона худудни ташкил этиш тўғрисидаги битимни кўллаб-қувватладилар. Ташкил этиладиган иқтисодий худудда Алскадан бошлаб то Чилининг жанубий чегараларигача бўлган худуд қамраб олинди.
- Грузия пойтахти Тбилисида жойлашган Юқори технологиялар илмий-тадқиқот марказида азот суюқлигининг портлаши натижасида марказнинг икки хизматчиси ҳалок бўлган ва яна икки киши оғир жароҳатланди.
- Пекинда Хитой ижтимоий ва илмий адабиётлар наشريёти томонидан чоп этилган «Ўзбекистон» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ПОЙТАХТНИНГ
бир кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
сатрларда

● **ХАМЗА** номидаги мусика коллежда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан уюштирилган концерт дастури «Меҳрнинг ёрқин наволари» деб номланди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика Бастакорлар уюшмаси ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир доирасида рассомлар томонидан яратилган асарлар кўргазмаси ҳам намойиш қилинди.

● **АЙНИ** кунларда тўла қувват билан иш юритаётган «Асбобсоз» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти махсуслотлари МДХ ва Эронга жўнатилган бошланди.

● **БУГУН** «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида тўй-ҳашамлар, маърака ва ҳайит маросимларини ўтказишни тартибга солиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** 13-олимпия мактаби сув ҳавзасида синхрон сузиш бўйича спорт мусобақалари ўтказилади.

● **КЕЧА** Ибн Сино номи халқаро жамғармада «Халқ табобати муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **ЙИЛИГА** олти мингдан ортик беморнинг кўзига нур бағишлаётган Республика кўз касалликлари шифохонасига хориждан замонавий тиббий технологиялар келтирилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида фаоллар иштирокида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган тадбирда ёшлар маънавий тарбиясининг долзарб масалалари хусусида сўз борди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК
ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁР

15 январь кун Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг навбатдан ташқи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари томонидан ШХТ мамлакатларининг хавфсизлик, халқаро терроризм, миллий сепаратизм ва диний экстремизмга қарши кураш, ўзаро манфаатли кўп томонлама савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликни чуқурлаштириш соҳаларидаги ҳаракатларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Хитой пойтахтида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибиятининг очилмиш маросими бўлиб ўтди. Унда ХХР Давлат кенгашининг аъзоси Тан Цзясюань ва ШХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари иштирок этишди. Шу билан янги халқаро

ташкilotнинг ташкилий жараёни, унинг доимий органлари фаолиятининг амалий механизмини шакллантириш даври якунланди.

Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитасининг кенг қамровли фаолияти учун фаол тайёргарлик кетаяпти. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижрокўмининг расмий очилиши шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши кутилаётган ШХТ саммити кунларига режалаштирилган.

Шу куннинг ўзида ШХТга аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг ХХР раиси Ху

Цзиньтао билан қўшма учрашуви бўлиб ўтди. Унда наркотик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тайёрлаш, халқаро терроризм ва экстремизм молиявий манбааларига зарба беришга оид масалалар муҳокама этилди.

ХХР раиси Ху Цзиньтао ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С.Сафоевнинг мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Хитойга расмий сафари доирасида бўлиб ўтган учрашувида икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ШХТга аъзо давлатлардан ташриф буюрган ҳамкасблари, шунингдек, ШХТ Котибиятининг очилмиш маросимида иштирок этиш учун келган Монголия ташқи ишлар вазири Л.Эрдэнэчулуун билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

«Жаҳон» АА



Тадбиркорлик

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА

Бозор ва дўконлармиизнинг чиройли қадоқланган, сифатли ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириляётгани, харидор талаби ва эҳтиёждан келиб чиқиб товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйляётгани тadbиркорларимизнинг изланишлари самарасидир.

Энг муҳими эса маҳсулотларнинг рақобатбардорлиги, хорижникидан қолишмайдиган кўриниш ва сифатга эгалигидир. Ана шундай маҳсулотлари ички бозорда ўз ўрнини топаётган корхоналардан бири пойтахтимизда 2 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Помир-шайх» Ўзбекистон-Хиндистон-Америка қўшма корхонаси бўлиб, жамоада 100 нафарга яқин йигит-қизлар иш билан таъминланган.


— Ҳозирда 20 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, — дейди қўшма корхона директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Неля Исоқова. — Маҳаллий ҳамда хорижий хом ашёлардан тайёрланаётган ва талаблар даражасида қадоқланаётган ширинликларимиз буюртма асосида пойтахтимиздаги 15 дан зиёд савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Албатта, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришда хорижий линиялар қувватидан унумли фойдаланялмиз.

Ички бозорда ўзига хос ўрин эгаллашга, харидорлар сафини кенгайтиришга интиляётган корхона тadbиркорлари жорий йилда янги турдаги маҳсулотлар яратиш, уларнинг қадоқланишига эътиборни янада кучайтиришни, ана шу асосида қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратишни мақсад қилиб қўйишган. Улар йил охиригача икки сменали иш ташкил этишни, тўла қувват билан ишлаб 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш саъй-ҳаракатидалар. Хориж бозорига чиқиб, сара маҳсулотлари билан экспортни йўлга қўйиш эса кўзланган ниятларнинг энг асосийсидир.

Шарифа ИЛЕСОВА

СУРАТЛАРДА: Лола Холхўжаева маҳсулот сифатини таъминлашда муҳим ҳисса қўшмоқда; кекс ишлаб чиқариш цехида иш Янги йилдан ўзгача руҳ билан бошланди.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.



ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳри ҳудудидаги топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш, уларнинг ҳар томонлама мувофиқлигини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2004 йил 19 январдаги қарори биноан куйидаги мавзе ва маҳаллалар тасарруфдаги айрим кўчалар номларига ўзгартириш қўшимчалар киритилди:

Жойнинг олдинги номи	Янги номи	Изоҳ
Шайхонтоҳур тумани		
Омонғели кўчаси	Вали Муродхўжаев кўчаси	Вали Муродхўжаев (1917-1996) — таниқли давлат ва жамоат арбоби. 1957-1983 йилларда республика молия вазири бўлиб ишлаган. Мамлакатимиз иқтисодийнинг ривожланишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи унвонига сазовор бўлган. «Исломобод» маҳалласидаги юқорида қайд этилган кўчага ёндош манзилда истиқомат қилган.
Мирзо Улуғбек тумани		
Ғазо кўчаси	Бонс Эргашев кўчаси	Бонс Эргашев (1921-2000) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси. Алишер Навоий номи маҳалла ҳудудидаги юқорида қайд этилган кўчада истиқомат қилган.
Маъсума кўчаси	Ёқуб Маҳмудов кўчаси	Ёқуб Маҳмудов (1910-1995) — тиббиёт фанлари доктори, профессор. Республика гематология ва қон қўйиш ҳамда травматология ва ортопедия илмий-тектириш институтлари асосчиларидан ҳисобланади. Файзулла Хўжаев номи маҳалла ҳудудида, юқорида қайд этилган кўчага ёндош манзилда истиқомат қилган.
Юнусобод тумани		
«Исломобод» маҳалласидаги номсиз кўча	Исломобод кўчаси	Маҳалла аҳлининг таклифига биноан
«Исломобод» маҳалласидаги номсиз кўчалар	Исломобод 1-7 кўчалари	Туташ кўча номига уйғунлаштириш ҳамда тежор хизматларга қулайликни таъминлаш мақсадида
Собир Раҳимов тумани		
«Бешқўрғон» даҳасидаги номсиз кўча	Ғузлаб 1-кўчаси	Туташ кўча номига уйғунлаштириш ҳамда тежор хизматларга қулайликни таъминлаш мақсадида
«Бешқўрғон» даҳасидаги номсиз кўча	Работ 1-кўчаси	Туташ кўча номига уйғунлаштириш ҳамда тежор хизматларга қулайликни таъминлаш мақсадида

ЮҚОРИ СИФАТЛИ

Чиройли идишларга қадоқланган сифатли ўсимлик ёғлари, албатта харидор дидига мосдир. Ана шундай чиройли ва бежирим идишларнинг ўзимизда тайёрланаётгани эса қувонарлидир.

Ушбу полиэтилен идишларни ишлаб чиқариш мақсадида шаҳримизда «Ёғмой-тамакисаноат» уюшмаси таркибида «Pet Peast Oil» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Ушбу қўшма корхона келгусида йилига 45 миллион дона ПЭТ қолипчаларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиши кўзда тутилган. Италиядан келтирилган асбоб-

ускуналар билан ҳижозланган корхона цехларида тайёрланадиган маҳсулотлар импорт ўрнини босади ва жаҳон андозалари талабларига жавоб беради.

Шуниси қувонарлики, қўшма корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Маълум

**АДИБ ХОТИРАСИ
ЁДГА ОЛИРДИ**

**Севишли адибимиз
Ўлмас Умарбеков ҳаёт
бўлганида ҳозир 70 ёшни
қаршилаган бўларди.
Бирок, адибнинг номи ва
Ўлмас сара асарлари
халқ дилида мангу яша-
юкда.**

Куни кеча Абдулла Қодирий номидаги маданият институтида Ўлмас Умарбековнинг ёрқин хотираси ёд этиб 70 йиллик таваллуд айёмига бағишлаб илмий-ижодий кеча ўтказилди.

Тадбирда таниқли олимлар, ёзувчилар адибнинг ҳаёти, ижоди, меҳнат фаолияти ҳақида сўзлашди.

Институт проректори Абдухалил Маврулов бошчилигидаги талабалар гуруҳи адибнинг асарлари асосида тайёрланган сахна кўринишларини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилишди.

**МУРУВВАТ
ИШЛАРИ
БОШЛАБ
ЮБОРИЛДИ**

**Меҳр ва мурувват йили
муносабати билан Тош-
кент автомобиль йўл-
лари институти қатор
хайрли ишларни бошлаб
юборди.**

Яқинда институт томонидан Ҳамза туманидаги 31-меҳрибонлик уйи тарбиялашчиларига телевизор, уяли бўлалар учун 17 та костюм-шим, кўлқоп, қизлар учун 90 дона иссиқ кийимлардан иборат жами 3 миллион сўмлик совғалар тақдим этилди. Бу ғамхўрлик меҳр-мурувват, саховат кўрсатилган болажонларнинг кўнгилларини кўтариб, уларга бир олам шодлик бағишлади. Шунингдек институт маъмурияти 50 нафар нафақада дам олаётган кекса ўқувчиларга 10 ой мобайнида транспортда юриш учун бепул чипта тарқатди.

65 нафар кам таъминланган ва ота-онаси йўқ, ётоқхонада истиқомат қилувчи талабаларнинг бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланиши ҳам йўлга қўйилди.

Салғай

**ЭЗГУЛИККА
ЧОРЛАЙДИ МЕҲР**

**Меҳр нурли бир шу-
ла, у ўзидан ён-атроф-
га ёрқин нурлар тара-
тиб, борлиқни нурафшон
этади.**

Яқинда Чилонзор туманидаги 6-музыка мактаби яна бир хайрли ишга ўз хиссасини қўшди. Тумандаги 23-меҳрибонлик уйида навбатдаги концерт дастури нимоийш этилди.

—Иил бошидан биз олдимизга янги режа белгилаб олдик,—дейди музыка мактаби директори Хамидулла Саъдуллаев.— Яъни, ҳар ойнинг охиригиз жума кунини кўнгли ярим болажонларнинг туғилган кунларини нишонлаб, табрик концерти қўйиб берамиз.

Ҳа, меҳр ва мурувватнинг бағри кенг, қадами эса саяхидра.

Гулҳайра ДУРДИЕВА

Мазкур тадбир "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Россэз-рубежцентр"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон

билим юртлари талаба ва педагоглари, музыка мактаблари ўқувчилари иштирок этдилар. Улар ўзбек, рус, украин, венгер

Ўзбекистон" болалар уйлари тарбияланувчилари уюшмасининг фаоллари "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси

**"БЕГУБОР МУҲАББАТ
ОҲАНГЛАРИ"**

**Пойтахтнинг Ҳамза номидаги музыка коллежида
Меҳр ва мурувват йилига бағишланган "Бегубор
муҳаббат оҳанглари" хайрия концерти ўтказилди.**

бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва "Бизнинг Ўзбекистон" болалар уйлари тарбияланувчилари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

—Тадбир иқтидорли ва ногирон болаларни ҳамда "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйлари тарбияланувчиларини кўллаб-қувватлашга қаратилган,—деди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг ташкилий ва услубий бўлим мудири Шухрат Худойбердиев "Туркистон-пресс" мухбирига.—Концертда "Олтин дарбозалар" музыка-камер театри, "Орфей" студияси, маданият

ва француз шоирлари томонидан ёзилган романс ва лирик ашулалардан бахраманд бўлишди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Абдуқодири Юсуповнинг тасвирий санъат асарлари, ҳайкалтарош А.Ҳотамов ва таниқли кулол Иля Винцевнинг асарлари ҳам намойиш этилди.

Ш. Худойбердиевнинг таъкидлашича, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини кўллаб-қувватлаш ҳамда уларни маънавий тарбиялашда "Бизнинг

ви", Ўзбекистон Бадий академияси академиги, таниқли расом Рўзи Чориев, ҳайкалтарош А. Ҳотамовларнинг бадий асарлари кўргазмаси ҳамда учта хайрия концерти каби тадбирлар ҳамкорликда ўтказилди. Кеча охирида "Бизнинг Ўзбекистон" болалар уйлари тарбияланувчилари уюшмасининг энг фаолларига "Соғлом авлод учун" жамғармасининг махсус дипломлари топширилди.

**Д.Тоирова,
"Туркистон-пресс"**

Мамлакатимизда бугунги кунда аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилани соғлом шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Мақдимоғ

**КАМКОНЛИКНИ
ДАВОЛАШДА АСҚОТАДИ**

Ҳозирги кунда ер юзида аёлларда темир танқислиги туфайли анемия (камқонлик) касаллиги кўплаб учрамоқда. Ушбу касаллиқнинг олдини олиш ва даволаш бўйича соғлиқни сақлаш идоралари, етук мутахассис шифокорлар керакли чораларни амалга оширмоқдалар.

Куни кеча Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида Ибн Сино Халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан камқонликни даволаш учун Швей-

цариянинг «Вифор» дори ишлаб чиқариш компанияси томонидан тайёрланган «Венофер» препаратининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ибн Сино халқаро хайрия жамғармаси бошқарув раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зухра Баратова сўзга чиқиб ушбу препаратнинг хусусиятлари ва самарали томонлари ҳақида гапирди. Қон таркибига тез сингувчи бу энг замонавий препарат инсонпарварлик ёрдами тариқасида кам таъминланган оилалардаги туғиш ёшидаги аёллар, ёрдамга муҳтож беморлар ва ногиронларга тарқатилади.

(Ўз мухбиримиз)

Кўргазмалар

**ҚИШ
ЛАҲЗАЛАРИ**

**Шаҳримиздаги Сергей Есенин номидаги музей-
да тошкентлик сураткашлар-мусаввирларнинг «Қиш
лаҳзалари» номли суратлар кўргазмаси очилди.**

Дарҳақиқат, қиш фаслида, айниқса атроф оппоқ қорга бурканганида табиат янада гўзаллашиб кетади. Биз муздек соф ҳафодан тўйиб нафас оламиз, қор билан қопланган дарахтларнинг чиройига қараб тўймаймиз. Суратлар эса ана шундай гўзал ва бетакрор лавҳаларни муҳрлаб кишиларни

нафосат оламига етаклайдиган воқеадир.

«Қиш лаҳзалари» номли кўргазмадан етакчи сураткашлар, жумладан Ю.Абалининг «Портрет-2002», У.Аҳмедованинг «Қиш импровизацияси», «Тошкент қиши», В.Жирнов ва А.Раевскийнинг «Чимён-2003», С.Карандаевнинг «Тоғларда», Э.Куртвелиевнинг «Этюд», Р.Яруллиннинг «Тоғлар» каби кўплаб жозибали ва бетакрор асарлари ўрин олган.

Кўргазмани айланар экансиз, қўйилган ишлар қиш мавзусининг қутилмаган, ўзига хос композицион ечимларини ифода этаётганлигининг



гувоҳи бўласиз. Кичик залда муаллифларнинг барча бетакрор асарларини жамлашнинг илоҳи бўлмаган бўлса-да, бироқ энг сара суратлар кишини мушоҳадага чорлайди.

Кўргазманинг бош ташкилотчиси Сергей Есенин номли музей директори Ольга Теботорёваннинг айтишича, ушбу тадбирнинг келгусида анъанавий тарзда ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

«Қиш лаҳзалари» кўргазмаси 8 февралга қадар давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан
ўрин олган қиш манзаралари.
Каран Агамян
олган суратлар.**



Меҳнатчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бўлиб, меҳнат жамоаларида бу соҳиблари муайян ишлар амалга оширилмоқда.

БАРАКАЛИ ИШЛАШГА ЧОРЛАЙДИ

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси шахримиздаги салохиятга ва обрў-эътиборга эга бўлган йирик корхоналардан ҳисобланади. Меҳнат жамоасида 1330 нафардан зиёд ходим ишлайди, уларнинг 660 нафардан ортиқроғини аёллар ташкил этади. Корхона ўзининг санитарий-профилактикаси, дам олиш зонаси ва оқват-лантириш комбинати эгадир. Мухим юридик ҳужжат—жамоа шартномаси орқали меҳнаткашларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Корхонада иш ҳақи ўртача 84 минг сўми ташкил этиб, ўз вақтида тўланмоқда.

Шу билан бирга жамоа шартномасига биноан ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам берилмоқда ва ўтган йилда бу кўрсаткич 49 миллион 500 минг сўмдан ортиқ миқдорни ташкил этди. Корхонадаги 293 нафар ишловчи пенсияерларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида даромад ҳисобидан ҳар йили моддий ёрдам ажратилмоқда ва ўтган йилда бу миқдор 4 миллион 380 минг сўмдан зиёд маблағни ташкил этди. Бундан ташқари уруш фахрийларига Хотира ва қадрлаш кунда 360 минг сўмдан ортиқ миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Компания ходимларининг ўқув юртлирига таҳсил олиши учун маъмурият томонидан бир миллион 280 минг сўмдан ошқин ва маҳаллаларни обдонлаштиришга ҳисса қўшиш мақсадида «Маҳалла» жамғармасига бир миллион сўм миқдорда маблағ ўтказилди.

Корхонада меҳнат аҳли ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўтган йилда «Навбахор» санаторий-профилактикасида корхонанинг 160 нафар ишчиси имтиёзли йўлланмалар бўйича соғломлаштирилди.

Шунингдек, онанинг фарзанди билан биргаликда

соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида 42 та имтиёзли йўлланма ажратилди. Мақтаб ўқувчиларининг ёзги таътили мавсумида ишчиларнинг 487 нафар фарзандлари «Фазогир Гагарин» номидаги сўлим оромгоҳда соғломлаштирилди. Мазкур соғломлаштириш масканида «Бурчмулло» маҳалласидаги кам таъминланган ва кўп бўлали оилаларнинг фарзандлари учун 84 минг сўм миқдордаги йўлланмалар бепул берилди.

Меҳнаткашларнинг турар жой шaroитларини яхшилаш мақсадида хайрли ишга қўл урилиб, 95 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй барпо этилди. Корхонага меҳнати синган ишчи-хизматчиларнинг Мустақиллик байрамининг 12 йиллиги шодийнаси арафасида янги уй соҳиблари бўлганликлари гоёт қувонаридир.

Спорт — корхона меҳнаткашлари ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Корхонада сўб-соғломлаштириш маркази, шунингдек, спорт мажмуаси бўлиб, турли тўрақларда ходимларнинг фарзандлари, қўшни маҳаллалардаги болалар шугулланиб, соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар. Меҳнат жамоасида футбол клуби бўлиб, «Ўзбекистон фулболи» газетасининг соврини учун мусобақаларда иштирок этмоқда. Бундан ташқари «Фазогир Гагарин» номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги спорт майдончасида болалар ва катта ёшдагилар ўртасида ҳамда оромгоҳларда мусобақалар ташкил этилмоқда. Бундай фойдали, савобли ишларни сидқидилдан амалга ошириш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарадир. Ишчиларинг бир оғиз миннатдорчилиги, самимий табассуми кишига куч-қувват бағишлаб, баракали меҳнат сари чорлайди.

Фулломжон ҲАКИМОВ, «Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси.

Инсонни бетоблигида даволашга нисбатан дардга чалинишининг олдини олиш, соғлиғини мустаҳкамлаш бирмунча осондир. Кези келганда айтиш жоизки, шифокор беморни даволаши учун ўзи аввало соғлом, жисмонан кучли, ақлан расо бўлиши даркор.

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ ФИКР

Шунинг учун ҳам коллежимизда ўқишга келган талабалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, асосий соғломлаштириш ҳамда тиббий гуруҳларга ажратилади. Спорт — яхши тарбиячи сифатида соғлиқни мустаҳкамлашга, билимни пухта ўзлаштиришга, давоматнинг яхшилашига, тартиб-қоидали бўлишга хизмат қилмоқда. Мусобақалар эса жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спортнинг турларини оммаштириш билан бирга энг муҳими, ёшларнинг эҳчил,

чучли, иродати бўлишига хизмат қилиб, уларни ҳар жиҳатдан тоблаб чиниқтиради. Жамоа бўлиб беллашуларда иштирок этиш ёшларда аҳиллик, дўстлик хислатларини шакллантириб, қамол топтиради. Спорт — ёшларни ўз кучига, меҳнатига таяниб яшашга, ўзини ҳаётнинг ишонига, ҳалолликка, мустақил фикрлашга ўргатиши билан ҳам гоёт муҳимдир. Шифокорда, айниқса мана шундай хислатлар шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Коллежда баскетбол, футбол, стол тенниси оммавийлашиб бормоқда ва режа асосида мусобақалар ўтказилмоқда. Ҳамширалар кунига бағишлаб тиббиёт билим юртлири ўртасида ўтказилган шахмат, шашка бўйича мусобақаларда коллежимиз жамоаси фахрли учинчи ўрин соҳиб бўлди. Ўқув юрти маъмурияти спортнинг талабалар ҳаётидаги ўрнига катта аҳамият бермоқда. Коллежда янги спорт зали, волейбол майдончаси талабалар ихтиёрига берилган ва спорт жиҳозлари харид қилиниб улардан унумли фойдаланилмоқда.

Мунаввар ХОНГЕДИЕВА, Профессор Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежи касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси.

ИЖТИМОИЙ ҲИММОЯ

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

Чунончи, бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчи ходимларнинг, айниқса зарарли жойларда ишловчиларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларни зарур бўлган махсус кийим-бошлар, пойабзаллар, махсус сут ва совун маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлашга алоҳида эътибор берилиб келинди. 2003 йил давомида жамият ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ходимларни махсус кийим-бош билан таъминлашга 20,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаган бўлса, зарарли иш шароитида ишлаётган касб эгалари бўлмиш ходимларни махсус сут билан таъминлашга 3 миллион сўм сарфланди. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишувда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 8,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ харажат қилинди. Айниқса, йилнинг охириги чорагида жамиятимиз ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган барча ходимларнинг ёппасига тиббий кўриқдан тўлиқ ўтказилиши ютуқларимиздан бири бўлди. Чунки, ходимларимизнинг саломатлиги, уларнинг соғлом ҳолда корхонага келиб ишлаб, соғсаломат ўз уйларига ҳамда оилалари бағрига қайтишлари бизнинг энг катта бойлигимиздир. Ўтказилган оммавий тиббий кўриқ учун ходимларимизнинг ўзлари пешона терлари-ю билан қувватлари билан меҳнат қилиб тошкент маблағларидан корхона маъмурияти 11,4 миллион сўмдан ортиқ маблағни Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бosh бошқармаси ҳисобига ўтказиб берди.

Ходимларимизнинг ўзлари ва оила аъзолари билан меҳнат таътили вақтларида дам олишлари ҳамда сиҳаттоҳларга йўлланмалар билан бориб даволанишлари ишларига ҳам маъмурият ва касаба уюшмаси кўмитаси томонидан алоҳида эътибор бериб келинапти. Ўтган 2003 йил давомида ходимларимиздан 9 киши сиҳаттоҳларда даволаниб саломатликларини тиклаб келган бўлсалар, 16 киши оила аъзолари билан бирга дам олиш уйларига берилган имтиёзли йўлланмалар билан ҳордиқ чиқариб келдилар. Ана шу йўлланмаларнинг ҳаммасига касаба уюшмаси кўми-

таси жамғармасидан 3 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Тасарруфимиздаги «Настарин» сиҳатгоҳи ҳам ўзининг малакали шифокорлари, тиббиёт ҳамширалари

одат тусига кириб қолган десак ҳеч ҳам мутолаба бўлмайди. Чунончи, 2003 йилнинг биринчи чорагида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан жамиятимиз-

МЕХНАТКАШЛАР МАНҒААТИ ЭЪТИБОРДА

Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти «Тошкент ёғ-мой комбинати» кўшма корхонаси раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлиқда ўтган 2003 йил давомида қабул қилинган ва амалда ишлаётган жамоа шартномасининг 11 та бўлимида 103 та банддан 91 тасини бажарди ҳамда ишчи-хизматчи ходимларга бевосита иш жойларида зарур бўлган ва талабга жавоб берадиган иш шароитларини яратиб бериш, техника хавфсизлигини, меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида, айниқса ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларида эътиборга лойиқ бўлган бир қатор ишларни амалга оширди.

ҳамда тажрибали ходимларига эга бўлган ҳолда ишчи-хизматчи ходимларимизга, корхонамизда кўп йиллар ишлаб нафақага чиқиб кетган ва ҳозирда кексалик гашишни сураётган собиқ ходимларимизга, уруш қатнашчиларига, меҳнат fronti иштирокчиларига, Ҳамза туман ижтимоий-таъминот бўлими томонидан жамиятимизга бириктириб қўйилган ёлғиз кексаларга ҳам беминнат хизмат кўрсатишди.

Агар ўтган 2003 йилда «Настарин» сиҳатгоҳида жами бўлиб 399 киши дам олиб, даволаниб ўз саломатлигини тиклаган бўлса, шулардан 72 киши пенсияерлар ҳамда кўп болали, муҳтож оила эгалари бўлган ўз ходимларимиз ва қўшни Юнусов номи маҳаллада яшовчи кекса ёшдагилар бўлиб, уларга дам олиб даволанишлари учун йўлланмалар маъмурият ҳисобидан бепул равишда берилди. Бу эса ўз ўрнида уларга катта иқтисодий ёрдам бўлди.

Жамиятимизда меҳнат қилаётган ходимларимизни республикамиз ҳаётида кенг ишониланганидан байрам кунларида ўз вақтида кутлаб, дастурхон бозатиб, шодийналар ўтказиш уларнинг самарали меҳнатларини қадрлаб мукофотлаш ҳамда таваллуд топган кунларида табриқлаб тақдирлашлар

да меҳнат қилаётган хотин-қизларни мукофотлашга 20 миллиондан ортиқ, Наврўз байрами ва Қурбон ҳайити муносабати билан барча ходимларни мукофотлашга 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уруш қатнашчилари, меҳнат fronti иштирокчилари ҳамда байналмилал жангчилардан жами 70 киши жамиятнинг ёзги чойхонасига таклиф этилиб, байрам дастурхони атрофида азиз меҳмонимиз бўлдилар.

Мустақиллик байрами муносабати билан ҳам корхона ходимларига катта тантаналар ташкил этилди. Рамазон ҳайити муносабати билан ишчи-хизматчиларга 30 миллион сўмдан ортиқ мукофот пуллари берилди. Булардан ташқари жамиятимизнинг ҳар бир ходимининг таваллуд топган кунига, 50, 55, 60 ёшга тўлганида корхонада меҳнат қилган йилларини инобатга олиб, бир ойлик маош миқдорига мукофот пули, раҳбарият ва касаба уюшмаси кўмитаси номидан эсдалик тақдирномасининг тантанали равишда топширилиши одат тусига кирган. Ана шундай тадбирларда мукофот ҳамда моддий ёрдам пуллари берилишида ишлаб чиқаришда жароҳат олган ноғи-

жумладан, боласи 2 ёшдан уч ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган таътилга чиққан аёлга корхона ҳисобидан қўшимча нафақа бериш, ўн олти ёшга тўлмаган учта ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга маоши тўлиқ сақланган ҳолда кискартилган иш кунни ёки иш ҳафтаси ўрнатиш, 16 ёшга тўлмаган туртта ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга болалар сонини инобатга олган ҳолда қўшимча пул тўланадиган таътил кунлари бериш, кўп болали ишчи аёллар фарзандларига болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар бериш бунга мисолдир.

Ўтган Обод маҳалла йили муносабати билан ишлаб чиқилган тадбирлар дастури эса тизим корхона ва ташилотларнинг жамоа шартномаларида кафолатланиб, бажарилиб келинмоқда. Бу сафар иш берувчилар касаба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда корхона ходимларига, атрофдаги маҳаллаларга, оталикдаги мактабларга, болалар боғчаларига ва меҳрибонлик уйларига баҳоли-қудрат моддий ёрдам ва турли бепул хизматлар кўрсатиб келмоқдалар.

Ушбу ишларни амалга оширишдан аввал корхоналарда касаба уюшмаси кўмиталари ташаббуси билан атрофдаги маҳаллаларда истикомат қилаётган кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз яшаётган кексалар, етим болалар ва ногиронлар сони аниқланди. Кенг қўламада ҳомийлик ишларини олиб бораётган корхоналар орасида «Тошкент ёғ-мой комбинати», «Сувмаш», «Иргидромаш» ва «Арготаминот БС» каби акциядорлик жамиятларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимдир.

Масалан, «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ кўшма корхонаси касаба уюшмаси кўмитаси маъмурият билан биргаликда А.Юнусов номидаги маҳаллага ушбу мақсадлар учун 100 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатди.

Бундан ташқари маҳаллада истикомат қилаётган 87 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга уларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандларига Мустақиллик байрами арафасида ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар билан таъминлаш мақсадида 150 минг сўм ҳамда ногирон ва меҳрга муҳтож болаларга 75 минг сўм берилди.

Маҳалладаги 205 нафар уруш ва меҳнат fronti қатнашчиларига ва ёлғиз яшаётган қарияларга «Наста-

рин» санаторий-профилактикасида бепул йўлланмалар бериб соғломлаштирилди ва бунинг учун корхона ҳисобидан 375 минг сўм сарфланди. Оталикдаги 156-сонли мактабга эса синф хоналарини таъмирлаш ва жиҳозлаш кучайтиришга қаратмоқда ва уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ва дунёқарашларини кенгайтириш мақсадида мана 12 йилдирки, мунтазам равишда энг нуфузли мутахассислар таклиф қилиниб, семинар-суҳбатлар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, касаба уюшмаси шаҳар кўмитаси ҳисобидаги ҳодимлари иш режасига биноан тизим корхона ва ташилотларига бориб ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларнинг ҳуқуқлари ҳимояланиши ва бошқа муносабатлар қай аҳволдалигини ўрганиб чиқиб, жойларда амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар ва муаммолар таҳлил қилиниб, касаба уюшмаси шаҳар кўмитасининг пленуми ҳамда раёсатларида муҳокама қилинмоқда ва уларни жойларда бартараф қилишга муқамлашмоқда. Шаҳар ҳудудида жойлашган корхона ва ташилотлар маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмиталарининг меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича олиб бораётган ишларни ўрганишимиз жараёнида «Донлоўйча» масбулияти чекланган жамиятида ходимларнинг иш ҳақи 3 ойдан бери берилмаётгани аниқланди. Ушбу муаммо ходимларимиз томонидан жойида кўриб чиқилганидан сўнг бу масала буткул ҳал қилинди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш лозимки, баъзи корхоналар ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд бўлсада, айрим сабабларга кўра, ходимларга иш ҳақи ўз вақтида берилмаяпти.

Бундай аҳволни тегишли ташкилотлар инобатга олиб зарурий чоралар кўрсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак деган улуг қаломга амал қилган ҳолда Меҳр ва мурувват йилига тузилган дастурдида аввалги имтиёзли тадбирлар сонини кенгайтириб, тизим корхона ва ташилотларининг жамоа шартномаларига киритишга ҳамда уларни ҳаётга таътиқ этиш борасида касаба уюшмаси кўмиталари назоратини кучайтиришга қаратмоқдалар.

Шаҳар кўмитасининг ўзи ҳам бу болада ибрат кўрсатиб шаҳардаги 100 ва 102-сонли мактаб-интернатларга мунтазам баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиб турибди.

Чунки, меҳр ва мурувватли бўлиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Ноила УМАРОВА, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кўмитасининг раиси.

КЛУБ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

«Агросаноатчи» маданий соғломлаштириш спорт клуби Агросаноат мажмуи тизими корхона ва ташилотларини ишчи-хизматчилари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш мақсадида 1991 йили АСМ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси қошида ташкил этилган.

Ўтган давр ичда клуб халқимизни соғломлаштириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Барча ишлар АСМ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси томонидан тасдиқланган иш дастури асосида олиб борилапти. Ҳозирги вақтда тизимда 27 та жисмоний тарбия ва спорт жамоалари фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган 2003 йилда «Агросаноатчи» клуби тизим жамоаларига 2300 минг сўмлик спорт анжомлари ва кийим-ларини харид қилишга қўмақлашди ва спорт тадбирлари ўтказиш учун 1600 минг сўм сарф қилинди.

2003 йилнинг ёзги мавсумида болалар спортини ривожлантириш мақсадида агросаноат тизимидаги «Конструктор», «Обихаёт» ва «Ширин булок» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида футбол, волейбол, теннис, шахмат, стол тенниси, сузиш, шашка ва шашка бўйича мусобақалар ўтказилиб, голубларга қўмақлаш ҳар соғвалар топширилди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб шахримизнинг оромбахш масканларидан бири бўлмиш Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида аънанавий катта маданий-спорт байрам тадбирлари ўтказилди. Байрам дастуридан ашула, рақс, шеър ўқиш бўйича



Бундай олий мақсадга эришиш ҳамда болалар спортини ривожлантириш учун «Агросаноатчи» клуби ўз олдига катта вазифалар қўйиб фаолиятини аниқ кенгайтирмоқда ва ўзининг соғломлаштириш спорт базасини яратиш тарафдорлигида ишлар олиб бормоқда.

Олим ИСЕНОВ, «Агросаноатчи» маданий-соғломлаштириш клуби раҳбари. **СУРАТДА:** «Марказий» комбинатининг мини-футбол бўйича «Марказ» жамоаси аъзолари.

ронлик нафақасида ва фарзанди 2 ёшга тўлишига қадар таътилда бўлган аёллар ҳам бизнинг диққат-эътиборимиздан четда қолмайдилар. Ўтган 2003 йил даврида ходимларимизга улар арзиза билан муражат этганларида мушкулларини осон, оғирларини енгил қилиш мақсадида молиявий жиҳатдан моддий ёрдам кўрсатилиб, кўмаклашди диққат марказимизда турган асосий масалалардан бири бўлиб қолди.

2003 йилда ҳар бир ходимимиз навбатдаги меҳнат таътилга чиққанда амалдаги жамоа шартномасига кўра бир маротаба бериладиган бир ойлик миқдордаги моддий ёрдам пули 125,5 миллион сўмдан ортиқ маблағни ташкил этган бўлса, беморлик натижасида дори-дармонга, даволаишга, оилавий шароитлари иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган аризалар билан муурожаат этган ходимларга берилган моддий ёрдам пули 2 миллион сўмдан иборат бўлди. Ходимларнинг бошига мусибат тушиб оила аъзолари ёки яқин қариндошларидан жиудо бўлганларида, ёки тасодифий ёнгин чиқиб хонадонлари зарар кўрган чоғларида ҳам маъмурият ва касаба уюшмаси кўмитаси баҳоли қудрат жамоа шартномасига асосан ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиб келганлар. Чунончи, инсон вафот этганлиги сабабли кўрсатилган моддий ёрдам 7,3 миллион сўми ташкил этган бўлса, ёнгин чиқishi сабабли хонадонни зарар кўрганларга кўрсатилган моддий ёрдам 997,5 минг сўмдан иборатдир.

Буларнинг ҳаммаси ходимларимизни аҳил бир жамоа бўлиб, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишлари ҳамда меҳнат жамоаси ўз олдига қўйган вазифаларни урдасидан чиқиб юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш борасида қилаётган самарали меҳнатларининг натижасидир.

Мухтор РАҲИМОВ, «Тошкент ёғ-мой комбинати» очик акционерлик жамияти кўшма корхонаси бошқаруви раиси.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УРТАНИҚ ДОМО БУЛУР...

● Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққатига унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукут инсонга саломатлик бағишлайди.

● Инсонни хайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб-тарбия, сўзлаш қуввати ва тилдир.

● Инсон ақл, зеҳни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадориридир.

● Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндур, қалбинг билан эшит, кулоқ ёлғончидир!» деган. Ақл раъйининг ҳақиқий ўлчови, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввало у ишни ақл каби адолат ўлчоғида ўлчаб, келтирадиган фойда ва зарарни ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Ҳақиқат шу ишни яхши тушунган тажрибакор маслаҳатини олиш тавсия этилади.

● Ғўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Ғўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлайвермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақл олдида ҳар бир инсон учун голибият ва саодат бўлиб бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанликдир.

Байт:

Хар кимки чучук сўз элга

изхор айлар,

Хар нечаки агёр дурур

ёр айлар,

Сўз қаттиги эл кўнглига

озор айлар,

Юмшоғи кўнглиларни

гирифтор айлар.

● Олимлардан Н. Хаддод айтди:

— Инсон учун энг зўр фазилат ўз даражасини билишидир. Бу фазилат илминг, зийрақлигинг каби ақлий қувватинг ва жисмоний қувватинг, жамиятда тутган ўрнинг, обрўйинг, хулласи, ҳамма сифат ва фазилатларингни кўзга каби кўрсатиб туради.

Ғурур ва такаббурлик ўз даражани билишнинг зиддидир. Ўз даражасини билувчи кишининг феъл-атвори билан мағрур ва мутақаббир кишининг феъл-атвори таққослаб кўрсак, биринчи кишининг фазилати барқ уриб туради. Иккинчиси, яъни ўз даражасини билмаган мағрур ва мутақаббир киши тоқатидан ортиқ юришдан ҳаракат қилиб, йўлда қолиб кетади. Биринчиси бўлиб англаган, йўл юргани учун ўйлаб максавидга эришади. Иккинчиси юрган йўлини билмай кўр-кўрона ҳаракат қилгани сабабли максавидга, орзусига етмайди.

Шунинг учун, ўғлим, зинҳор мағрур ва мутақаббир бўлма, саёй-ҳаракатларинг шамолга учмасин, ҳар вақт сўзларингнинг ўйлаб сўзла, бир ишга киришмасдан олдин ўйлаб кўр, у ишни бажара оласанин йўқми. Дўстларинг ва душманларинг сенинг тўғринда нима сўзлайдилар, ҳаммасини билиб тур. Бошқалар сенинг тўғринда қандай фикрда эканликларини ўрган, шунинг ўрғани, ҳақиқатда ҳар хил фикрларнинг ўртасини ол, сен — ўшасан. Сенинг ишларингни танқид этганларини эшитсанг, зинҳор аччиғиланма, чунки танқид фойда келтиради. Танқид соясида хатоларингни тuzата-сан, бундан кейин қилинадиган ишингда хатога йўл қўймайлик учун гайрат қилсан, ўз даражани билиб ишлайсан.

ҲИНДИСТОНЛИКЛАР ТАШРИФИ

Пойтахтнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси вакиллари вакиллари ташрифи бағишланган сотувчи-харидор учрашуви ўтказилди. Ушбу учрашув Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилди деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.

Учрашувда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси ва Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси орасида англашув меморандуми имзоланди. Ушбу меморандум икки давлат ўртасида савдо ва инвестицияларни кенгайтиришни кўзда tutади.

Ҳиндистон ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан тез суръатда ривожланаётган давлатлардан бири ҳисобланади, - деди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Шарат

Сабхавал «Туркистон-пресс» мухбирига. - Сўнги ўн йил ичида унинг ўсиш даражаси йилига ўртача олти фоизни ташкил қилди. Ҳиндистон кичик ва ўрта бизнес, пахтачи қайта ишлаш, ахборот технологиялари, фармацевтика каби соҳаларда муайян тажриба ва ютуқларга эга. Шунингдек, Ўзбекистон каби Ҳиндистон ҳам кичик ва ўрта бизнес секторига катта аҳамият бермоқда. Мамлакат йиллик sanoat ишлаб чиқаришининг қирқ фоизи ва экспортнинг ўттиз беш фоизи айнан шу сек-

тор улушига тўғри келади. Бизнинг энгил асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш sanoatимизда содда асбоблардан бошлаб ўта мураккаб ускуналар ва тиббий ташхис асбоблари ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик шу ва бошқа соҳаларда, айниқса қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтикада катта имкониятларга эга. Шунингдек, тўқимачилик sanoatиде катта тажрибага эгамиз. Икки давлат ушбу соҳада ҳам ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерациясининг ташрифи икки давлат ишбилармонларига катта имкониятлар очади, тажриба ва ахборот алмашиш, айна пайтда савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга туртки бўлади. Жорий йилнинг апрель ойида эса Тошкентда Ҳиндистон савдо ярмаркасини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Хўш, одат нима, малака-чи?

Болада аввал кўникма, ўқув малакалари ҳосил бўлади. Масалан, эрталаб жисмоний тарбия қилиш, ювиниш, нонушта учун нон, қиём, пиёла, қошиқ, сочик ва бошқа нарсаларни қўйиш, (оила аъзолари сонига қараб) нонуштага келиб ўтирганларга одоб билан салом бериш ёки оила аъзоларининг пойабзалларини тартиб билан териб қўйиш каби. Бола бу ишларни ҳар кун бажарса у одат бўлади киради. Одатта айланадиган малакалар болада бурч ҳиссининг таркиб топишига ёрдам беради. Худди шу даврдан бошлаб боланинг ёши, жисмоний кучига лойиқ меҳнат малакаларини бажаришга ундаш унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний томондан ривожланишига ёрдам беради.

Бола улғайгани сари унинг олдида қўйиладиган талаблар ҳам секин-аста мураккаблаштирилиши ва хилма-хил бўлиши зарур. Болада ҳар бир ишга маълум кўникмалар ҳосил қилинган, яна янги-янги иш турлари, топшириқлар бериб рағбатлантирилиши ишни тез ва сифатли бажаришга ўргатади. Ота-она, тарбиячи, кейинчалик ўқитувчининг бола билан тез-тез мулоқотда бўлиб савол-жавоб, суҳбатлар ўтказиб туриши, бола фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Бола мактабга боргунга қадар ҳар бир ишни ўз ташаббуси билан мустақил бажара олиш уқувини пайдо қилиш зарур, чунки бола фаолиятида ўз-ўзига хизмат қилишдек зарур малакани эгаллаш, мактабга боргач, ундаги қайноқ ҳаёт, жамоага киришиш, улар билан муносабат қила билиши, ўқиш, ёзишдек мураккаб ақлий фаолиятни эгаллашга тезда кўника олмайди. Мактабда бериладиган турли топшириқлар унга оғирлик қилади. У чарчайди, бора-бора мактабдан бешиш ҳолатини учратиш мумкин.

Болада қатъийлик, ирода сифатларини таркиб топтириш лозим. Чунки бола мактабга келгач, унинг олдида ҳали у кўникмаган янги талаблар қўйилади. Бу талабларни амалга оширишда албатта боланинг ақлий фаолияти, зеҳнининг ўткирлиги муҳим аҳамият касб этади. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, оилада болаларининг мактабга тайёргарлиги турличадир. Баъзилар фаол, баъзилар ўта лоқайд, яна бирови кампан, уятчан.

Бу ҳол мактабда ўқитувчилар

ишида кўп қийинчиликлар тулдирди. Бундай қийинчиликни бартараф қилишда ҳар бир отанининг ёрдами керак.

Болада одат, малакаларнинг ривож топишида нималарга эътибор бериш лозим? Боланинг мактабга боргунга қадар ақлий фаолиятини ривожлантириш, фикрлашга ўргатиш, луғат бойлигини янги сўзлар билан бойитиб, нутқини ўстириш,

ва тарбиячилар кўп ҳолларда болаларнинг дангасалигидан билахот қиладилар. Ҳар бир инсон ондан дангаса бўлиб туғилмайди, балки у ўсган муҳит: ота-она ёки тарбиячилар боланинг энцил, меҳнатсевар, гайратли ё бўлмаса ялқов бўлиб ўсишига сабабчи бўладилар. Дангасалик ҳатто одат тусига айланиб қолади. Болага шундай муносабатда бўлиш керакки, у

таларга тик қараб гапирмас эди. Чақирганлариде «ҳа» демай, балки «лаббай» деб жавоб берганлар. Ёки иш буорганда «хўп бўлади», — деб бажонидил қабул қилишар эди. Биз ёшлик йилларимизда ана шу руҳда тарбияланган эдик. Ҳозирги кунда мактабларда болаларнинг тартиб-интизоми жуда ёмон. Бу болалар на салом бериши, катта-кичikka йўл бериши билан. Ёмон таъсирлар болаларимизни ахлоқий тубаникка бошламоқда. Одат тусига кирган безорилик, жаҳолат кенг оммалашиб бормоқда. Биз катталар фақат томошабин бўлиб қолаётганимиз ёмон, кецириб бўлмас ҳол. Агар чекка-чеккадан уларга таъсир этсак, танбех берсак, бирлашсак, шояд болаларда одатта айланаётган салбий оқибатлар йўқолса, яна ўша халқ педагогикасидаги яхши фазилатлар тикланса. Қўшнинг тинч, сен тинчсан. Атрофдагиларнинг тинчлиги бизнинг тинчлигимиз.

Меҳр-оқибат ҳиссини болаларда эрта шакллантириш ва бу сифатларни одатта айлантиришга эришишимиз шартдир.

Маънавий юксакликка интилиш ҳисларини пайдо қилиш, тубаникка муқасасдан қулаб кетаётган айрим ёшларни болағат ёшида орқага қайтариб, муҳим манзаралар содир бўлишининг олдини олиш лозимдир.

Ичкиликка ружу қўйган йигит, ҳатто минг афсуслар бўлсинки айрим қизларнинг ҳам ўтиришларда, тўй-ҳашамларда уялмай-нетмай нима қўйиб берилса, келин-куём соғлиғига, — деб «луқ», «луқ» ютиб, ҳиринглаб қулиб ўтиришларини кўрмаганимиз деб айта олаимиз.

Кўрагим, нафратларимиз, тартибга ҳам чақирамиз. Лекин уларнинг ота-оналари қаерга қарамоқдалар? Чекишни одат қилган ёшларни билмаймизми? Ман эътиб қўлинг-чи...

Вузудинг титрайди, бардош бериш қийин ҳолларнинг содир бўлаётганига сабаб, ота-оналарнинг бебарволиги, болаларни тайёрхўр қилиб воёга етказганларга ҳайронимиз. Индамлай туриш ҳам мумкин эмас.

Маънавий тарбия ёшларни келажак сари одимлашда бош мезон бўлмоғи зарур. Кўпнинг таъсири кучлидир. Маҳалла жамоаси, кўни-қўшни, қариндош-уруғлар бундай ҳолатларнинг олдини олишда ҳамкор, ҳамнафас бўлишларини истар эдик.

Кўмри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари
доктори, профессор.

Мулоҳаза

МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК САРИ

Боладаги жуда ёшлигидан таркиб топаётган нарса ва воқеаларга бўлган қизиқиш, муносабат, интилиш, унинг ақлий фаолиятининг тараққий этишидан далолат беради. Ота-она боладаги бу ҳисларни шакллантириб, тарбиялаб бориши, қизиққан нарсаларга ҳақиқат саволларига эришмай жавоб бериши, уни ҳам саволлар бериб, тушунчаларини аниқлашига имкон беришлари лозим.

ластлабки санокка ўргатиш керак. Бу малакалар болаларга осонликча сингмайди. Уни сабр-тоқатли бўлишга, ишни қандай бошлаш, сифатли бажариш, якунлашни кўрсатиш, болада маълум кўникма ҳосил бўлгунча унга қўмаклашиш лозим. Айрим ота-оналар болам нимсон, ҳали ёш деб унга иш ўргатиш у ёқда турсин боланинг ўз ташаббуси билан қилаётган ишлари ҳам таъкиб этидилар. Болаларда таркиб топаётган меҳнатга ҳавас, иштиёқни сўндириб қўядилар.

Масалан, Тўлқиннинг қоғоз қирқиб, чўп ва симлар билан турли нарсалар ясаши бувисига ҳеч ёқмайди.

— Кўясаним, йўқми бу нарсаларни, ҳаммаёқни ифлос қилишдан бўлак ишинг йўқми? Китобингни ўқисанг-чи деб жеркийди. Бувисидан яна танбех эшитишдан қўрқиб бола ишни ноилж чала ташлаб кетади. Нارسаларини беркитиб қўяди.

Эртаси кун йўқитувчи ясаган нарсасини сўрайди.

— Йўқ, — дейди бола «пиқ-пиқ» йиғлаб.

Ҳамма болалар ўзлари ясаган нарсаларини манмуният билан кўрсатадилар. Тўлқинчи...

Боладаги хоҳиш, интилишни сўндириш тарбияда катта хато. Уни қайта бир ишга жалб қилиш яна мушкул. Бора-бора у ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолади.

Баъзи ота-оналар, ўқитувчи

буюриладиган ишларни жондиди билан бажарсин.

Катталар болаларнинг ёши, кучи, ақли ва қобилиятига яраша ишларини яхши бажара олиши мумкин эканини унутмасликлар зарур. Ақинча, боланинг уринишлари зое кетади. Масалан, Рустамнинг неча кун овора бўлиб ясаган ракетаси, елкани сувга кўнса чўкиб кетади. Дилбарнинг қўнроққа тиккан қўйлаги сиғмади, зўр ҳавас билан чизган ўйча расми ўхшамайди. Бола бу пайтларда меҳнатининг самарасиз бўлигидан руҳи тушади. Ҳеч кимга кўрсатмасликка ҳаракат қилади. Ясаган, чизган нарсаларини йиртиб, бузиб ташлашга ёки атрофдагилардан беркитишга уринади. Гоҳо йиғлайди ҳам. Буни сезган катталар боланинг озгина бўлса ҳам муваффақиятини қайд этиб, кўнглини кўтариш, зинҳор камситмасликларни керак. Шундай қилганда бола катталарни ўзига яқин тутлади. Билмаганларини сўрайди. Кўрсатиб беришларини илтимос қилади. Боланинг ақлий фаолиятини ўстирувчи, ижодий қобилиятини ривожлантирувчи ўткир зеҳн эгаси қилиб тарбияланиган воқеалардан унумли фойдаланиш тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, улар барча инсоний фазилатларни эгаллашга эришиб келганлар. Ҳеч қандай бола ота-онасига, кат-

Ножда иш — келтирар ташвиш

АВВАЛО ИНСОН БЎЛ

Инсон — ақлли ҳалқат. Шунинг учун у кўп хислат, фазилатлар соҳибидир. Унинг энг гўзал ва диққатмалаб хусусиятлари, биринчи галда, муомала муносабатларида намоён бўлади.

Донишмандларнинг «Юзи-га боқма, сўзига боқ», — деган ҳикматлари аини ҳақиқатдир. Агар инсон покиза, ҳасаддан йироқ, одамларга қайишадиган ва доимо унинг оғирини энгил қилишга тай-ёр турадиган меҳру шафқатли бўлса унинг ташқи жозибаси диққатмалаб бўлмас-да, кишилар кўзига гўзал ва ёқимли бўлиб кўринади. Борди-ю, ташқи тузилиши хушбичим, қиёфаси кўркам, ҳусну жамолда ягона бўлса-ю, лекин табиатан заҳар-заққум, кўпол, дилозор, худбин, ўзига бино кўйган, такаббур бўлса, ундай одам эл кўзига совуқ, хунук, ёқимсиз бўлиб кўриниши табиий. Инсон — инсон номига хос одамий фазилатларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда у ким бўлишидан қатъий назар кўпчилик назаридан қолади.

Афсуски ҳозирги кунда ташқи кўриниши хушбичим, қиёфаси кўркам кишиларнинг бировларнинг меҳнат қилиб, қийинчилик билан топган пулларини фирибгарлик йўли билан ўзлаштириб олиб қайтариб бермаётганларининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Қийинчилик билан, зўра рўзгордан орттириб пул йиingan Мастура шу пулга кварта-тира олиш ниятида яқин ду-гонаси Зулфияга: «Менга 4 хонали квартира керак» деб мурожаат қилди. Зулфия Мас-туранинг ишончига кириб олиб, ўзим сенга шароити яхши, янги ремонтдан чиққан зўр квартира олиб бера-ман деб, ундан 4000 АҚШ дол-ларини олди.

Мастура энди дугонасига тинмай кўнғироқ қила бош-лади. Чунки дугонаси 3 ой-дан бери квартира олиб бе-раман деганча қорасини кўрсатмас эди. Хуллас Мас-тура алданиб қолганини ту-шунди.

Зулфия илгарилари ҳам кўп инсонларнинг ишонч-ларига кириб олиб, уларни алдаб, фирибгарлик йўли билан топган ҳаром пуллари эвазига оиласини боқар экан. Мана бугун унинг қармоғига Мастура илиниб қолди. У бу-нинг ҳам уддасидан чиқди. Лекин Мастура меҳнат қилиб топган пулларини бир фириб-гар ўзлаштириб кетишига йўл қўймади, дарҳол Мирзо Улуғ-бек туман прокуратурасига хабар берди. Ҳозирда бу фир-ибгарлик содир этган шахс устидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда.

Тошкент шаҳар ИИББ мат-буот марказининг жамоатчи мухбири Дилдора РАҲИМО-ВА тайёрлади.



ФУТБОЛИМИЗ РЕЙТИНГИ ОШМОҚДА

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол та-рихи ва статистикаси федерацияси — IFFHS 2003 йил яқунлари бўйича дунёнинг энг кучли миллий чемпионатлари ва тўпурақ футболчилари рейтинг жадвалини эълон қилди.

Италиянинг «А» серияси 2003 йилдаги энг кучли чемпионат деб топилган. Чунки мам-лакат чемпионатида иштирок этаяётган жамо-алар Европа чемпионлар лигаси, УЕФА кубо-ғи ва бошқа халқаро мусобақаларда муваф-фақиятли қатнашмоқда. Хусусан, IFFPS ре-йтингида биринчи ўринни эгаллаб турган «Ми-лан» жамоаси ўтган йили Европа чемпи-онлар лигаси финалида «Ювентус»ни энгиб, нуфузли турнир голиби бўлганди. Умуман олганда, Италия «А» серияси 1991 йилдан буён тўққизинчи марта жаҳондаги энг кучли чемпионат сифатида эътироф этилди.

Кейинги ўринларда ҳам Европа қитъаси-даги мамлакатлар чемпионатлари — Испа-ния олий лигаси ва Англия премьер-лигаси

қайд этилган. Бразилия ва Аргентина чемпи-онатлари кучли бешликдан жой олди.

Рейтинг жадвалига кўра, IFFHS вакиллари Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасини 43-ўринга лойиқ топди. Осиё чемпионатлари ора-сида 39-погонадан жой олган Жанубий Коре-янинг «К» лигасигина биздан олдинда, МДХ доирасида фақатгина Россия ва Украина че-мпонатлари олий лигасимиздан кучли экан.

Миллий чемпионатлар тўпурақлари рейтинг жадвали ҳам кўпчилик эътиборини жалб қил-ди. Унда тўрт нафар ўзбекистонлик футболчи-нинг кўрсаткичлари қайд этилган.

Ўтган мавсумда XII миллий чемпионатимиз-нинг тўпурақлари баҳсида голиб чиққан «На-вбахор» ҳужумчиси Шуҳрат Мирхолдиршоев

ҳамда «Қизилқум» вакили Марсель Идиатул-лин рейтингда кумуш медалга эгаллаб турибди. Миллий чемпионатда муваффақиятли тўп сур-ган ҳар иккала футболчимиз рақиблар дарво-засига йигирма олтитадан тўп киритган.

Қизиги, яна икки юрдошимизнинг нати-жаси бир хил. Фаргонанинг «Нефтчи» жамо-аси тарихида кумуш медалга сазовор бўлган Умид Исоқов тўпурақлар рейтингига қирқ саккизинчи ўринни эгаллаган. Моҳир ҳужум-чимиз XII миллий чемпионатда рақиблар дар-возасини йигирма икки маротаба аниқ ни-шонга олган.

У.Исоқовдан кейинги поғона Украина че-мпонатига Киевнинг «Динамо» жамоаси ша-рафини ҳимоя қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Максим Шацкичга насиб қилди. Ўтган йили Украина чемпионатида ол-тин медал ва иккинчи маротаба энг яхши тўпурақ совринига сазовор бўлган М.Шацкич ҳам рақиб посбонларини ўз дарвозаси тўри-дан йигирма икки марта тўп олиб чиқшига маж-бур қилган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Ўқима

ЙЎНАЛИШНИНГ ЭГАСИ БОРМИ?

Янги йилни яхши кайфият билан қарши олган ҳар бир оила эъзо-си, эртасига дам олиш кўни, албатта ота-онаси, ёр-дўстларини кутлаш учун дилда бир олам эзгу ният билан йўлга отланилади.

Биз ҳам худди шу ниятда «Бинокор» даҳасидоғи қариндошларимиз ҳузу-рига отланганимизда кайфиятимиз кўтаринки эди. Лекин «Кўйлик» шохбека-тидан ана шу даҳага қатновчи 102-йўналишдаги автобусга ўтирдигу 15 дақиқа ўтар-ўтмас ҳафсаламиз пир бўлди. Автобус шохбекатга келганига ярим соат бўлганига қарамай жойидан жилай демасди. Ёш болалар йиғлаб, қари-лар эснэй бошлади.

— Қачон шу автобусга ўтирсанг, аҳвол шу, — ранжиб гапирди бир отахон.

— Ушбу йўналишнинг ҳам «эгаси» бормикан?

— Бир-икки ҳафта юрсангиз, ўрганиб қоласиз, — ансиси қотди бир йўлов-чининг. — Эгаси бору лекин тартиб йўқ. Автобус ҳайдовчи истаган пайтда юради, бўлмаса турверади. Буларга ҳеч қачон гап таъсир қилмайди.

Шу пайт автобус «чиптачиси» — 10-11 ёшлардаги бола пайдо бўлди. Ўтирган барча йўловчилар ундан ҳайдовчи қаердалигини, қачон келишини сўрашди. У елка қисган эса «Бор топиб кел» деб талаб қилишди. Бироздан

кейин қийшайиб кабина эшигини очган ҳайдовчи эса йўловчиларнинг «ҳай-хай»лашига ҳам эътибор бермай, «Кўлимни ювиб келай» дедим қаёққадир гоийб бўлди. Лекин орадан яна 20 дақиқача вақт ўтсада у ном-нишонсиз йўқолди. Биз автобусда ҳайдовчини кутиб ўтирган вақт ичиди шох бекатдан бошқа йўналишлар бўйича қатновчи автобусларнинг деярли барчаси 3-4 марта келиб-кетди.

Охири тоқати ток бўлган бир кекса йўловчи нозимхона томон йўл олди ва «Хозир диспетчер кидириб топиб келаркан», деди хунуби чиқиб. Ана вақт ўтган диспетчер аёл кичиб ҳайдовчини кидиришга тушди. Норози бўлган йўловчиларга эса «Шу автобус ўзимизнинг ҳам жонимизга теғди», деб тўнғил-лаб ҳам қўйди.

Хуллас ҳайдовчи топилмади. Шу орада яна бир 102-автобус пайдо бўлиб, барча йўловчиларни ўша автобусга ўтказишди. Унинг ҳайдовчиси эса чиқа-ётган ҳар бир йўловчига «Йўл картчокалари ўтмайди, фақат нақд пул тўлай-сизлар» деб тақоррлаб кўярди. Кимдир чиқди, бечора «карточка»-лилар аро-сатда қолди. Ишқилиб, сизга ёлгон, ўзимизга чин роппа-росса бир соат 102-автобусда ўтириб, иккинчисида аранг манзилга етиб олдик.

Бу 102-автобус ҳайдовчиларининг бир кунлик — 1 январь томошалари-дан лавҳа, холос. Шу ўринда бир савол туғилади: ушбу автобус мутасадди-лари қаёққа қарашли? Нима учун ўзига хон, кулканаси майдон ҳайдовчи-ларни тартибга қариқиб қўйишмайди? Ёки уларнинг шундай ҳуқуқи борми? Ҳар кўни йўловчилар эътирозига сабаб бўлаётган, хизмат кўрсатиш қоли-сини кўпол равишда бузаётган ҳайдовчиларнинг таноби қачон тортилади? Бу ҳақда мутасаддилар нима дейишаркин? Чинданам йўналишнинг эгаси борми?

Шарофат БАҲРОМОВА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томони-дан, ваколатли органлар қарорларига асо-сан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган кўйидаги автомобилотранспорт во-ситаларининг ким ошди савдоси ўткази-лади.

1. "Газ-968" автомобили, 1988 йилда чи-қарилган, давлат рақами М 49-54 ТН, бошлан-ғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
2. "Москвич-412" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э 30-61 ТН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
3. "Тойота-Корона" автомобили, 1993 йил-да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 1 08-75 MR, бошланғич нархи 2 600 000 сўм;
4. "Газ-3110" автомобили, 1999 йилда иш-лаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 492, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
5. "Даймлер Бенц" автомобили, 1988 йил-да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 350 000 сўм, техник соз;
6. "Газ-53" юк автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Ц 50-10 ТШ, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
7. "Маз-5549" юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 220, бошланғич нархи 400 000 сўм, тех-ник носоз;

8. "Камаз-5511" юк автомобили, 1995 йил-да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 510, бошланғич нархи 1 500 000 сўм, техник носоз;
 9. "Зил-157" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
 10. "Зил-130" юк автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 976, бошланғич нархи 300 000 сўм, тех-ник носоз;
 11. "Зил-555" юк автомобили, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 634, бошланғич нархи 150 000 сўм, тех-ник носоз;
 12. "БОРЭКС" экскаватор, 1995 йилда иш-лаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 29-90 ТН, бошланғич нархи 650 000 сўм, техник носоз;
 13. "КАТО" автокрани, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 76-56 ТНП, бошланғич нархи 24 000 000 сўм, техник носоз;
- Ким ошди савдоси 2004 йил 22-24 ян-варда соат 10-00 да ўтказилади.**
- Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъмин-лаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносига ўтказилади.**
- Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсу-пов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**
- Маълумот учун телефонлар:, 144-54-08, 41-16-38**

Кўнгиш учун мусика, мулоҳа-за учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».



Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркор Дилмурод Шокиров номига 2003 йил 6 февралда 82-рақами билан берилган даромад-лар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари ва назо-рат-касса аппарати китоби йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Собир Раҳимов туман маи-ший хизмат кўрсатиш тадбир-корлар уюшмаси тугатилади. Давловлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида 48-34-52 телефони орқали қабул қилинади.

Спорт

ОЛИМПИАДАГА БЕШ ЙЎЛЛАНМА НАҚД!

Бокс бўйича Филиппинда ўтказилган Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Голибларга шу йили Грецияда бўлиб ўтадиган олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини берувчи мажбур чемпионат ҳамюртларимиз учун муваффақиятлик кечди.

Терма жамоамизга дастлабки олтин нишонни 54 килограммгача вазнда Баходир Султонов келтирди.

57 килограммгача вазнда бронза нишонига эга бўлган иктидорли чарм кўлқоп устаси Бехзод Хидиров ҳам олимпиадада йўланмани кўлга киритди.

Шунингдек, Осиё чемпионатининг кумуш медалларини кўлга киритган Дилшод Махмудов (64 килограмм) ва Шерзод Хусанов (69 килограмм)лар ҳам Грецияда юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Энг оғир вазнда эса Сидней Олимпиадасининг бронза медаллари соҳиби бўлган энг тажрибали боксчиларимиздан бири Рустам Саидов финалда ҳам чиройли галабага эришган ҳолда олимпиадага яна бир йўланмани нақд қилиб қўйди.

Бундан ташқари 48, 51, 91 килограммгача вазнда Отабек Мамажонов, Тўлашбой Дониёров, Нодир Фуломов ва Игорь Алборовлар Осиё чемпионатининг бронза нишонларига эга бўлишди. Бироқ халқаро бокс федерациясининг низомига мувофиқ ушбу вазнлардаги учинчи ўрин соҳибларига бевоасита олимпиадада йўланмалар берилмайдди. Шу сабабдан ушбу чарм кўлқоп усталаримиз Хитой ва Покистонда ўтказиладиган саралаш мусобақаларида қатнашишади.

Шундай қилиб, Осиё чемпионатида боксчиларимиз иккитадан олтин ва кумуш, бешта бронза медалларига эга бўлган ҳолда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Юқорида таъкидлаганимиздек, беш нафар боксчимиз олимпиадага йўланмаларни кўлга киритишди.

Кеча чарм кўлқоп усталаримиз юртимизга қайтиб келишди.

ШАХМАТЧИЛАР ФИНАЛГА ЧИҚДИ

15-олимпиа заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде 8-19 январь кунлари эркаклар ўртасида шахар очик биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Сўнги кунда шахар биринчилиги финалига чиққан спортчиларнинг номлари маълум бўлди.

Ун нафар энг кучли спортчилар, яъни 7,5 тадан очко жамгарган ака-ука Михаил ва Александр Семёнов, олтиадан очкони кўлга киритган Ҳамид Азизов, Даврон Зоҳидов, Тимур Сафуллин, Артём Хлопонин, Улугбек Тиллаев, Фаррух Корчиев ва Равшан Ҳусниддиновлар финалга йўланма олдилар.

Мусобақа давомида У.Тиллаев, Х.Равшанов, Д.Зоҳидов каби янги номлар кашф этилди.

Финал баҳслари 21-30 январь кунлари Республика шахмат-шашка клубида бўлиб ўтди.

Даврон НУРМАТОВ

Шахримиздаги «Паҳлавон» спорт клубини Республикашдаги пауэрлифтинг мухлислари яхши билишади. Ушбу клуб тарбияланувчилари республикамиз миқёсидаги ва халқаро турнирларда доимий равишда қатнашиб, аксарият ҳолларда олтин ва кумуш нишонларни кўлга киритган ҳолда қайтишади.

Албатта, «Паҳлавон» клубидан етишиб чиққан номдор спортчиларини санаб адоғига етиш қийин. Шундай бўлса-да Сергей Фотиев, Любовь Захарова, Тимур Ҳакимжонов, Ришат Сафин, Рустам Нураев, Ботир Султонов, Дмитрий Василенко, Валерий Климов, Бахтиёр Асатов, Дилшод Абдураимов каби пауэрлифтинг усталарининг маҳоратларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Биз билан суҳбатда спорт клуби раҳбари Наталья Захарова муваффақияту муаммолар, шунингдек келгусига мўлжалланган режалар билан бажонидил ўртоқлашди.

— Утган йил спортчиларимиз учун муваффақиятли кечди. — Чунончи, Алматида ўтказилган Осиё чемпионатида тарбияланувчиларимиз иккита кубонинг соҳиби бўлишди, эркакларимиз иккинчи, аёллар эса учинчи ўринга кўтарилишди. Ун икки кишидан олтитаси медаллар билан қайтди. Ноябрь ойи охирида эса Зарафшондаги «Прогресс» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича олимпиа йўилларининг бронза нишондори, икки карра жаҳон чемпиони Геннадий Четин хотирасига бағишлаб ўтказилган Ўзбеки-

стон Республикаси Кубогида ҳам пауэрлифтингчиларимиз яхши натижалар кўрсатишди. Масалан, Анна Васина 120 килограммлик штангани кўтарган ҳолда

тиб, галаба нашидасини сурди. Сергей Фотиев эса ўзи 75 килограмм вазнда бўлишига қарамастан 615 килограммлик натижа билан, ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди. Мен ушбу спортчилар натижаларидан жуда қониқдим.


Хозир биз Зарафшон шахрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида саралаш турнирига қизгин тайёргарлик кўраямиз.

Рақибларимиз жиддий эканлигини ҳисобга олиб, гарчи спорт клубимиздаги шартшароитлар етарли бўлмаса-да, юкланишларни кучайтирган ҳолда энг юқори даражада машғулотлар ўтказяпмиз. Бизнинг ёш, умидли спортчиларимиз — Алексей Ким, Тимур Ҳакимжонов, Ботир Султонов, Павел Шанин, Кирил Ромин, Любовь Захарова ҳам Осиё чемпионати беллашувариде қатнашишади. Умид қиламанки, шогирдларим ўз маҳоратларини намойиш қилган ҳолда медаллар шодасини кўлга киритишади.

Дамир ИСМАТОВ СУРАТДА: «Паҳлавон» спорт клубида машғулот пайти. Алексей Попов олган сурат

Пауэрлифтинг

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА



шахсий рекордини ўрнатди. У ҳатто 123 килограммлик оғирликни забт этишга ҳаракат қилдию, бир оз омад кулиб боқмади. Шундай бўлсада, Васина 52 килограммгача спортчилар ўртасида учураш бўйича 285 килограммлик натижа кўрса-

ратларини намойиш қилган ҳолда медаллар шодасини кўлга киритишади.

Ҳа дўстим МЕХРнинг таърифи чексиз. Чунки у сарҳадсиз, беповён, ажиб уммондир. Унинг кучоғида гуллар унади, теграсида булбуллар гирён бўлади. Ҳар кўнгил бу масканде масрур юради, хаста кўнгиллар ҳам нурга тўлади. Ожизлар унинг тафти ила кучга тўлиб, фариб қалблар шодон бўлади.

Биз илк бора меҳр шуъласини онамизнинг чароғон кўзларида кўрганмиз. Сочларимизни силаб-сийпалаганда, бағрига босиб эркалаганда, оташ нафасини яна туйганмиз. Отамиз илк бор мактабга етаклаганда, устозимиз жилмайиб кутиб олганда, дўст қадрига етиб соғинганимизу, севги нашидасидан масрур юрганмиз-

Мўйизлар

МЕХР НУРЛАРИ

Меҳр нима ўзи? Оҳанрабоми? Ўзига чорловчи сирли садоми? Балки осмондаги ёрқин юлдузидир, ёки боғда унган ифорли гуллар, тунларни ёритган машъул балки, ёки тонгда эсган сархуш сабодир.

да меҳр огушига чўмганмиз. Фарзандларимиз «Онажон», дея қақирганида меҳр-мухаббатга тўлиб кетамиз.

Меҳр инсонларнинг ширин сўзидадир. Бир-бирига кулиб боққан нурли юзидадир. Йўғини бор, оғирини энгил қилган чексиз меҳр-мурувватидадир. Баъзан ана шу меҳр янглиг оташ ҳароратимизни беваю бечора, ночору ногирон, етим

ва ёлғизлар, ҳатто ўз яқинларимиздан ҳам дариг тутамиз. Нега? Меҳримиз тугаб қолдими? Ёки виждонимиз тўхтаб, қалбларимизни курум босдими? Нега баъзан дўстимизнинг кўзларига чўп ташлаймиз. Ёни-миздаги шеригимизни алдаймиз, кўзларига қараб туриб ёлгон гапиримиз. Меҳр, шафқатга муҳтожларга эса, назаримизни ҳам ташлагимиз келмай

қолади. Ахир бу ёлгончи беш кунлик дунёда, ўзимиз ҳам омонат жонимизку?

Эртага, эртага нима бўлади? Биздан қай фазилатлар қолади? Ҳуш дўстим энди айтчи. кимларгадир керак бўлган меҳрингни елканга ортмоқлаб қаерларга шошиб кетиб бормоқдасан.

Келажақда биздан нима қолади. Меҳрми ё қаҳр? Ҳали ҳам кеч эмас, кўзларингни оч. Меҳрингни соч. Бемеҳрликдан қоч.

Йўкса бир кун ўзинг ҳам меҳрга зор бўласан, афсуснадаматга қолиб бўзлаб юрасан.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Эм... Эм... Эм

КЎП ЭШИТТИРИЛГАН МУСИҚА

Дунёда энг кўп радиода эшиттирилган мусиқа Жон Ленноннинг «Кеча», Пол Маккартиннинг «Сен мени бошқа севмайсан» кўшиқлари бўлиб, уларнинг муаллифлари Фил Спектор, Барри Манн ва Синтия Уэллардир.

Шуни айтиш керакки, бу оммабop кўшиқлар АҚШ радиосида 7000000 марта янраган дунёда ягона кўшиқлар бўлиб Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га 2000 йил киритилган.

МАШҲУР ХОНАНДА

Дунёда хонандалар ўртасида энг машҳур Мадонна бўлиб, Буюк Британияда унинг оммабop кўшиқлари оз эмас, кўп эмас, 100.000.000 марта магнит ленталарига ёзилиб, кўшиқ мухлисларига сотилиб, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан ўрин олган.

МАШҲУР КЎШИҚ


АҚШда энг оммабop кўшиқ аjoyиб иктидор соҳиби Элвис Пресли кўшиқлари бўлиб, 1956 йил машҳур «Билборд» журналида «Энг яхши юзлик»ка кириб, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилгандир.

ПЛАСТИНКАЛАРИ КЎП СОТИЛГАН

АҚШ ва Буюк Британия мамлакатларида 1998 йил энг катта ютуқларни кўлга киритган яккахон рекордчи Элтон Жон бўлиб, унинг ёқимли овози ёзилган пластинкаларнинг 150.000.000 донаси мухлисларга сотилгандир.

Шуни айтиш керакки, Элтон Жон дунё иктидорли кўшиқчилари таъловида 1970-1999 йилларнинг ёлиби бўлиб, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан ўрин олган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.



Сўзсиз сурат.

Абдурусул Ҳакимов чизган расм.

Мусасис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъвоқ офсет усуллада босилади.
5576 нусхада босилади. Қалог бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриет етказиб берилп масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почташига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбоа акциядорлик компаниясини босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.